Силаи раҳм қилувчи — бу мукофотловчи (борди-келди қилганлар билангина алоқа қилиб юрган киши) эмас! Балки қариндошчилик узиб қўйилганда уни боғлаган киши ҳақиқий силаи раҳм қилувчидир!» дедилар

Абдуллоҳ ибн Амр разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Силаи раҳм қилувчи — бу мукофотловчи (борди-келди қилганлар билангина алоқа қилиб юрган киши) эмас! Балки қариндошчилик узиб қўйилганда уни боғлаган киши ҳақиқий силаи раҳм қилувчидир!» дедилар».
[Саҳиҳ] [Имом Бухорий ривояти]

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ушбу ҳадиси шарифда силаи раҳм ва қариндошларга яхшилик қилишда комил инсон — яхшилик муқобилида яхшилик қиладиган киши эмас, балки қариндошлари ундан қариндошчилик алоқасини узсалар-да боғлаган ва ёмонлик қилсалар-да уларга яхшилик билан жавоб қайтарган киши силаи раҳм қилишда ҳақиқий комил инсон эканини хабар бердилар.

http://sunnah.global/hadeeth/uz/show/3854